

ХИТОЙ ТИЛИНИ ЎҚИТИШДА ТАЛАБА ХАРАКТЕРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Аннотация: Ушбу мақолада хитой тилини ўрганувчи талабаларнинг уч турдаги, яъни “ташқи”, “ички”, “ўрта” характери ҳақида фикр юритилган. Чет тилни ўқитишда талабаларнинг характери дарс жараёнининг қизиқарли ва самарали олиб борилишида муҳим аҳамият касб этади.

Калит сўзлар: хитой тили, характер, талаба, методика, ўқитиш.

Аннотация: В данной статье речь идет о трех типах характера студентов, изучающих китайский язык: “внешний” “внутренний” “средний”. При обучении иностранным языкам характер студентов играет важную роль в обеспечении эффективности процесса проведения занятий.

Ключевые слова: китайский язык, характер, студент, методика, обучение.

Annotation: This article discusses three types of characters : "external", "internal" and "intermediate" of the students who learn Chinese language. In teaching a foreign language, the character of the students also plays an important role in making the teaching process interesting and effective.

Key words: Chinese language, character, student, methodology, teaching

Бизга маълумки ҳозирги кунда тилга бўлган эътибор йилдан йилга кучайиб бормоқда, жуда кўп ёшларимиз, талабаларимиз чет тилини мукамал ўрганиб чет мамлакатларга бориб ўзларининг билимларини янада мустаҳкамлаб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрь “Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1875-сонли қарори қабул қилинди.[1] Бу қарорга биноан чет тилларини ўрганишга бўлган эътибор янада ортмоқда.

Бугунги кунга келиб хитой тилига бўлган талаб ва эътибор ҳам кучаймоқда, ҳар йили Мамлакатимизнинг юзлаб талаба ёшлари хитой давлатининг университетларига бориб хитой тилидан билимларини ошириб келмоқда.

Хитой тилини ўрганишда, уни яхши ўзлаштиришда ҳатто талабанинг характери ҳам жуда катта аҳамият касб этади. Хитой тилини ўрганаётган талабаларда уч хил характер борлиги сезилди, лингвокультурологиясига қизиқиши ҳам характерга боғлиқлиги ҳам сезилди.

Уч турдаги характер, биринчи “ташқи” характер, яни бу характер эгалари очик кўнгил, хушчакчақ, ўйлаган фикрини тортинмасдан гапирадиган, одамлар билан тезда киришиб кетаоладиган бўлади.

Иккинчи “ички” характер, бундай характер эгалари оғир босиқ ва жуда кам гап бўлади.

Учинчи “ўрта” характер, бу характердаги талабалар эса вазиятга қараб иш олиб боради, гапириш керак бўлган жойда гапиради, ўқиш керак бўлган жойда ўқийди. Ҳар бир характердаги талабаларнинг ўзига хос муаммолари мавжуд .

Биринчи ташқи характер эгаларининг ижобий тамонлари хитой тилини ўрганиши, бошқа характер эгаларига қараганда тезроқ ўрганади, бунга сабаб уларнинг очик характери яъни дарс жараёнида тортинмасдан, иккиланмасдан фаол қатнашиб хитой тилида гапириши ва тушунмаган сўзлари, грамматик қоидаларни ўқитувчидан сўраши, хато гапирса ҳам хитой тилида гапириши унинг ижобий ютуқларидан бири деб айтишимиз мумкин. Очик характерли талабалар нафақат дарс жараёнида балки дарсдан ташқарида ҳам кўп гапириши, кўп кулиши ва характери дарсда ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Очик характерли талабаларнинг муаммоси шундаки, энг аввало ўзи учун салбий бўлган томони талаба кўп гапиради ва фонетикага, талаффузга эътибор бермаслиги натижасида хитой тилида янги ўрганган сўзларни ёдлаганда ва гапираётган вақтида нотўғри талаффуз қилади, лекин бу хатоларни тўғрилаб қўйиш унчалик муракаб эмас. Бу муаммони ечими шундаки, дарс давомида нотўғри талаффуз қилган сўзларига эътибор бериб, ўша сўзларга мисоллар келтириш, ўзи устида ишлашга ундалса бу камчиликларни бартараф этади. Бошқа характердаги талабаларга қараганда очик характерли талабалар дарсда фаолроқ қатнашади, баъзи ҳолларда эса дарсга ҳам бир оз халақит бериши ҳам мумкин. Очик характерли талабалар Хитой давлатининг лингвокультурологиясига, тарихига, урф-одатларига ҳам жуда тез қизиқиш уйғонади ва дарс жараёнида ўқитувчига жуда кўп саволлар билан мурожат қилади.[3]

Иккинчи ички характерли талабалар хитой тилини ўрганиш вақтида, дарс жараёнида ижобий томони ҳечқимга, ўқитувчига ва ёнида ўтирган талабаларга ҳам халақит бермайди, бу характерли талабанинг муаммоси шундаки дарсда билган, ўқиган, ёдлаган нарсасини ҳам гапирмайди, дарс жараёнида нотўғри гапириб қўяман деб уялиб тортиниб ўтиради. Бундай ҳолат эса тилни ўрганишга халақит беради ёки тил ўрганиш жараёнини секинлаштиради. Ички характердаги талабалар Хитой давлатининг лингвокультурологиясига, тарихига, урф-одатларига ҳам қизиқиши ёки қизиқмаслигини билиш қийин, дарс жараёнида ҳам ўқитувчига жуда кам саволлар билан мурожат қилиб дарсга ҳам фаоллик билан қатнашмайди.

Бу муаммонинг ечими шундаки, бундай характерли талабаларга дарс давомида кўпроқ у билан мулоқатда бўлиш, ўқитувчи томонидан савол-жавоб қилиб турилса тил ўрганиш жараёни тезлашади ва аудиторияга мослашиб характери ҳам аста-секин ижобий томонга ўзгаради.

Учинчи ўртача характер, бу характердаги талабаларнинг ютуқлари жуда кўп бўлади чунки бу характердаги талабалар дарс жараёнида ўқишни, ёзишни, ёдлашни ҳам тенг олиб боради. Бундай талабаларни ўқитиш ўқитувчи учун онсонроқ ва хитой давлатининг лингвокультурологиясига, тарихига, урф-одатларига ҳам қизиқтириш ўқитувчига қийинчилик туғдирмайди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак биз юқорида характернинг хитой тилини ўрганишда муҳим аҳамияти борлиги ҳақида гапириб ўтдик. Талабанинг дарс жараёнида характерини ўзгартириш, психологиясини ўрганиб унинг характерига ёки қизиқишига мос келган гаплардан мисол келтириб ёки савол бериб, ҳар бир дарсида беш дақиқа вақтини ажратиб эътибор берса ўшанда характери ижобий томонга ўзгаради ва мақсадга эришилади деган хулосага келдик.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. 2012 йил 10 декабрь “Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1875-сонли қарори.
2. «Ўзбекистоннинг байрамлари» У. Қорабоев Тошкент 1991.
3. «Нан уу зуо wei ди er уу уан jie lun » Liu Хun Zhu Пекин 2002.
4. <http://www.chinaedu.com/>.
5. <http://www.chinaholiday.com/>